

Биревлар Худодан бола тилайди. Болани нима килади улар? Ўлсам, ўрнимни боссин дейди, ортимдан Куръон ўкисин, картайган чогимда кунимга ярасин, дейди. Бундан бошка дарди йўқ уларнинг.

Бола ўрнимни боссин дегани нима ўзи?

Топган мол-дунё эгасиз колмасин дейсанми? Ортингдан коладиган нарсалар гамини еганингми бу? Ёки ўлиб бораётганингда ўзгаларга колдиришдан кизганиб айтганингми бу? Ўзгаларга кўзинг киймайдиган кандай ортичча бойликларинг борки, уларга ачинсанг?!

Боланинг яхшиси – кувонч, ёмони – куйдирги, Худо сенга кандай бола беришини билиб сўра- дингми? Бу дунёда ўзингнинг кўрган хўрликларинг озмиди? Ўзингнинг килган итлигинг озмиди? Энди бир бола тугдириб, униям ит килишга, унгода хўрликлар кўрсатишга мунча хумор бўлдинг?

Ортимдан болам Куръон ўкисин десанг, тириклик чогингда яхшилик килганларинг кўп бўлса, ким хам сен учун Куръон ўкимайди? Ёмонликларни кўп килган бўлсанг, болангнинг ўкиган Куръони сенга нима берарди?

Тириклигингда ўзингга ўзинг килмаган ишни ўлганингдан сўнг сенга ким киларди?

Болани охират учун тилаганинг – болам ёшлигига ўлсин деганинг. Агарда эр бўлиб, улгайсин де- санг, козокдан ота-онасини дўзахдан куткара оладиган бола тугилармикин? Ундей болани сендай ота, сенинг элингдай эл асраб, улгай- тира олармикин?

Картайганимда карайди деганинг хам – пуч гап. Аввали – ўзинг карамаса бўлмайди- ган даражадаги кексаликка етасанми, йўкми?

Худо билади! Иккинчидан, боланг меҳрли бўлиб, сенга карайдиган бўлиб тугиладими, йўкми? Учинчидан, молинг бўлса, ким хам карамайди? Молинг йўқ бўлса, ким хам сенга каарди? Боланг мол топармон бўладими ёки мол йўкотармон бу хали номаълум. Хўш, Худо таоло бола берди хам дейлик, уни яхши ўстира биласанми? Билмайсан. Аввали – ўз кунингни ўзинг кўра олмаганинг холда боланг- нинг кунига шерик бўласан. Олдинига болангни: “Ановини олиб бераман, мановини олиб бераман”, - деб ўзинг алдайсан.

Бошида болангни алдаганингдан маст бўлиб юрасан.

Сўнгра боланг алдамчи бўлса, кимдан кўрасан? “Сўк!”- деб биревни сўктириб, уни хаволантириб, тентакликка обдон ўргатиб кўйиб, сабокка берганда мулланинг энг арzonини излаб, хат таниб колса, бўлади, хушёр бўл, “фалончининг боласи сени сиртингдан сотиб кетади”, - деб, тирик жонга ишонмайдиган ёт миназ килиб, берган таълиминг шуми? Шу боладан хайрли иш кутасанми?

Яна Худодан мол тилайсан, нимага ишла- таман деб тилайсан молни? Аввали, Худодан тилайсанми ўзи? Тилайсан. Худо беради. Бер- ганини олмайсан. Худо таоло сенга меҳнат килиб мол топарлик кувват берди. Шу кув- ватдан халол касб килишда фойдаланасанми?

Фойдаланмайсан. Худо сенга шу кувватни, ўрнини топиб, сарф килишни англатадиган билим берди, буни билмайсан. Бу илмни ўки- са, укиб оларлик акл берди. Эринмай меҳнат килса, тўхтамай изласа, жойини топиб ишла- са, ким бой бўлмайди? Бунинг сенга кераги йўқ. Сен биревдан кўркитиб олсанг, биревдан ялиниб олсанг, биревни алдаб олсанг – бўлгани. Излаганинг – шу.

Бу Худодан тилаганинг эмас. Бу обўни, орни сотиб, одамга ялиниш – тиланчилик. Хўш, шу йўл билан мол топдинг, бойидинг, дейлик. Аслида шу молни сарф килиб, илм

топиш керак. Ўзинг топа олмасанг, боланг топсин. Илмсиз охират хам, дунё хам йўк. Илмсиз ўкилган намоз, тутилган рўза, ки- линган хаж, ибодат эмас. Молни итлик билан топса-да, одамгарчилик билан ишлатган би- пор козокни кўрмадим. Бариям бойликни итлик билан топади, итлик билан ундан айрила- ди. Азоб, алам, нафрат – учовидан бошка хеч нарса унга йўлдош бўлмайди. Борида: “Бой- ман”,- деб йўгида: “Менга хам бир пайтлар мол битганди”,- деб мактанади. Кашибок бўл- гандан сўнг, яна тиланчилик йўлига тушади.

1892